

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ**

КИМ ДОНЧЕР

**«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖДА
ХОМАКИ МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ким Дончер

“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда хомаки мис ишлаб
чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш 3

Ким Дончер

Повышение энергоэффективности производства черновой меди на
АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат» 25

Kim Doncher

Improving the energy efficiency of the production of blister copper
at JSC "Almalyk Mining and Metallurgical Combine" 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ**

КИМ ДОНЧЕР

**«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖДА
ХОМАКИ МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T921 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Илмий-техника маркази» маъсулияти чекланган жамиятида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Камалов Толяган Сиражиддинович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хошимов Фозилджан Абидович**
техника фанлари доктори, профессор
Арипов Назиржон Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Навоий давлат кончилик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» маъсулияти чекланган жамияти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй). Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

К.Р.Аллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

О.Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергияни кўп истеъмол қиладиган соҳалардан бири кончилик ва металлургия саноати ҳисобланиб, тоғ-кон саноатининг энергия самарадорлиги ортиши билан энергия ресурслари ҳаражатларининг асосий кўрсаткичларини яхшилаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда «хомаки мис ишлаб чиқаришда энергия сиғимининг ягона кўрсаткичи мавжуд эмас. Мис ишлаб чиқаришда энергетик сиғимнинг жаҳондаги ўртача даражаси 835–5000 кг.ш.ё./тн чегарасига тўғри келмоқда»¹. Хомаки мис ишлаб чиқаришда энергия сиғимининг фарқланиши ишлаб чиқариш технологиялари ва энергия сиғимини аниқлаш усулларининг ҳар хиллиги, шунингдек энергия ресурсларининг истеъмоли билан изоҳланади. Шу билан бирга, хомаки мисни ишлаб чиқаришда технологик ускуналарни частотавий ўзгартиргичлар орқали бошқаришга, технологик ускуналарнинг иш режимларини оптималлаштаришга ҳамда энергия сиғимини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда мис ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш учун замонавий ускуналарни яратиш, мавжуд технологияларни ва энергетик ускуналарни такомиллаштириш, шунингдек энергия элтувчилар солиштирма сарф меъёриларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва энергия тежамкорлик потенциалини аниқлаш масалаларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Асосий эътибор янги энергия ускуналарини жорий қилиш билан частота ўзгартиргичлар асосида энергия тежамкор бошқариш усулларини яратиш муаммоларига қаратилмоқда. Бу йўналишда асосий натижалар мис олишнинг технологик жараёнида техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришда иштирок этаётган энергия сиғими катта бўлган энергетик ускуналарнинг оптимал иш режимларини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Ушбу йўналишда, жумладан хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг умумий энергия сиғимини аниқлаш ва экспериментал тадқиқотлар асосида энергия элтувчилар солиштирма сарф меъёрларининг математик моделини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланадиган мисни ишлаб чиқаришда юқори техник иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш учун энергия самарадорлигини ошириш, энергия сиғимини камайтириш ва энергияни тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий этиш, мавжуд ускуналарни модернизациялаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурслар сиғимларини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтиришнинг мақсадли параметрларига мувофиқ амалга ошириладиган энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ...»² вазифалари

¹ <https://elibrary.ru/contents.asp?issueid=1346951>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини аниқлаш, частота ўзгартиргич орқали энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек хомаки мис технологиясидаги механизмларнинг иш режимларини ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 15 августдаги ПҚ-3211-сон «Олмалиқ КМК АЖни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ростланувчи электр юритмаларнинг замонавий элементлар базаси асосида хомаки мисни тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган, технологик ускуналарнинг энергия ва ресурстежамкор режимларини жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Texas at Austin, P&H Mining Equipment (АҚШ), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), «Москва энергетика институти» Миллий тадқиқотлар университети, «Горный» Миллий маданий-хом ашё университети (Россия), ABB Group (Швейцария), King Fahd University of Petroleum and Minerals (Саудия Арабистони), «Илмий-техника маркази» МЧЖ, Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

А.В. Ляхомский, М.Ю. Лопатин, А.Л. Сугойдь, В.И. Тимошпольский, О.В. Мазурова, В.Н. Смагина, Ю.Л. Жуковский каби машхур олимлар, шунингдек Т.С. Камалов, А.А. Хашимов, О.Х. Ишназаров, О.З. Тоиров каби маҳаллий олимлар тоғ-металлургия саноатида рудани тайёрлашда ва минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлашда энерготежамкор технологиялар, энергия самарадор тоғ машиналарининг частотавий бошқарилувчи электр юритмаларини ишлаб чиқиш, конда ишлатиладиган машиналарининг ростланувчи электр юритма воситалари орқали энергия тежамкорлик масалаларини ечишда хисса қўшганлар. Саноатда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва электр энергиясини истеъмол қилиш усуллари

оптималлаштиришга бағишланган масалалар бўйича Ўзбекистон олимлари орасида Насиров Т.Х., Аллаев К.Р., Хошимов Ф.А. ва бошқалар шуғилланишган.

Аммо сезиларли муваффақиятларга қарамай хомаки мис ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан электромеханик ускуналарнинг энергия самарадорлигини ошириш билан бирга энергия сарфи ва энергия тежаш салоҳиятини аниқлаш билан боғлиқ масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муаассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Илмий техника маркази» маъсулияти чекланган жамиятнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №ФА-А3-90053 «Иқтисодиёт соҳаларининг энергияни кўп истеъмол қиладиган объектларида энергия сарфининг энерго-ресурс тежамкор режимларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ энергетик сиғимни ва бирлик хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергиянинг солиштирма сарф меъёрини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда энергия тежамкорлик салоҳиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

хомаки мис ишлаб чиқаришнинг технологик таркибини аниқлаш;

энергия элтувчилар солиштирма сарф меъёрининг математик моделини юкланганлик даражаси функциясида ишлаб чиқиш;

хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини аниқлаш;

хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг энергия элтувчиларнинг таркибини аниқлаш ва энергия истеъмолини меъёрлаш;

техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришда энергия ресурслари потенциалини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хомаки мисни олишда технологик босқичнинг тўлиқ цикли агрегатлари, шунингдек техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқариш бўйича энергомеханик ускуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети хомаки мисни олиш кетма-кетлигида иштирок этаётган агрегатлар учун энергетик ҳаражатларнинг структураси ва хом ашё ҳажмини ҳисобга олган ҳолда хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергиянинг солиштирма сарф меъёрини ҳисоблаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр юритма назариясининг замонавий усуллари, электромеханик тизимларини математик моделлаш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ва сиғимини аниқлаш бўйича комбинацияланган усули, қиёсий таҳлил, ишлаб чиқилган моделларнинг саноат синовлари натижалари статик ва аналитик ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

энергия элтувчилар, эритиш ва конвертерли қайта ишлаш агрегатларини хом ашё билан юкланганлик даражасини инобатга олган ҳолда хомаки мисни ишлаб чиқариш энергия сифимининг математик модели ишлаб чиқилган;

бирлик хомаки мисни ишлаб чиқаришда энергия элтувчилар солиштирма сарфининг структураси интеграл кўрсаткичлар усули асосида ишлаб чиқилган;

акс эттирувчи печь, кислород алангали печь, суюқ ваннали печь, конверторли қисм агрегатларининг энерготежамкор иш режимлари сиқилган ҳаво ва техник кислород оқимини ростлаш орқали ишлаб чиқилган;

турбоҳавопуфлаш станциясидаги қуввати 3,0 МВтли турбонагнетателнинг синхрон электр юритмаси частотавий ростлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хомаки мисни олишда ҳар бир босқич учун технологик ишлаб чиқаришда иштирок этаётган энергия элтувчиларнинг ташкил этувчилари т.ш.ё. ягона тизимида ишлаб чиқилган;

хомаки мисни, агрегатларни хом ашё билан юкланганлик коэффицентини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфини меъёрлашнинг намунавий структураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ишлаб чиқилган математик моделлар, назарий ва экспериментал маълумотларни таққослаш, ҳамда математик статистикани қўллаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бирлик хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергиянинг солиштирма сарф меъёрларини аниқлаш бўйича математик модели, акс эттирувчи печь, кислород алангали эритиш ва конвертерли қайта ишлаш печларининг агрегатари хом ашё билан юкланганлик функциясида ишлаб чиқилган; шунингдек техник кислород ва сиқилган ҳавонинг сарфи стохастик қарамлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти технологик ускуналарнинг энергетик самарадорлигини ошириш учун частотавий бошқариладиган электр юритма асосида компрессор қурилмаларнинг унумдорлигини бошқариш ишлаб чиқилган; технологик ускуналарнинг энергия ва ресурстежамкор режимлари ростланувчи электр юритмаларнинг замонавий элементлар базасида ишлаб чиқилган; хомаки мисни тайёрлаш жараёнида электр энергиясини сарфини меъёрлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборатлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хомаки мисни тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

техник кислород оқимини ростлайдиган тизим Мисни эритиш заводининг компрессор станциясида жорий этилди («Олмалик КМК» АЖ нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-402 сон маълумотномаси). Натижада йилига 1,84 миллион кВт·соат электр энергиясини тежаш имконини берди;

сиқилган ҳавони бошқарадиган тизим Мисни эритиш заводи кислород станциясининг ҳавони ажратиш блокада жорий этилди («Олмалиқ КМК» АЖ нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-402 сон маълумотномаси). Натижада йилига 22,0 миллион кВт·соат электр энергиясини тежаш имконини берди;

частотавий ростланадиган 3,0 МВт синхрон электр юритмаси Мисни эритиш заводи нинг турбоҳавопуфлаш станциясида жорий этилди («Олмалиқ КМК» АЖ нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-402 сон маълумотномаси). Натижада йилига 6,9 миллион кВт·соат электр энергиясини тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 5 та илмий-техник конференцияларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан 9 илмий мақола, шундан 6 та республика ва 3 та халқаро илмий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мис ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва уларнинг энергия сиғими**» деб номланган биринчи бобида жаҳон мамлакатларида ва Ўзбекистон Республикасида мис ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Бу соҳада тадқиқотлар таҳлил қилинган ва мис ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича адабиётлар тизимлаштирилган.

Ҳозирги вақтда мис саноатнинг юқори технологик соҳаларида, жумладан электротехника, электроника, автоматика, ҳисоблаш техникаси, асбобсозлик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан, жаҳонда мисни казиб олиш ва ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ишлаб чиқарувчи мамлакатлар мисдан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва экспорт учун фойдаланадилар. 1-расмда дунё мамлакатлари бўйича тозаланган мис ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми 1992-2015 йиллар учун минг тонна ҳисобида келтирилган, бу ерда мисни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича етакчи мамлакатлар Хитой - 34,6%, Чили -11,7%, Япония - 6,4% ва бошқалардир.



1-расм. Дунё мамлакатлари бўйича тозаланган мис ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми

Олмалиқ кон-металлургия комбинати дунё миқёсида етакчи мис ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Дунё миқёсида Олмалиқ кон-металлургия комбинати бўйича ҳомаки мис йилига 110-120 минг тонна ишлаб чиқарилади, бу дунёда умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,5-0,6% ни ташкил этади.

Ҳомаки мисни олиш технологиясининг структураси берилган. Замонавий тоғ-кон саноатининг энергия самарадорлигини оширишга ва энергия ресурслар ҳаражатларининг асосий кўрсаткичларини ва технологик жараёнларнинг энергия сифimini таҳлил қилишга бир қатор ишлар бағишланган, жумладан Москва давлат кончилиқ университети, «Москва энергетика институти» Миллий тадқиқотлар университети, Белоруссия РУП «БМЗ» ва БНТУ, Иркутск энергетика тизимлари институти СО РАН, Жанубий Урал давлат университети, Челябинск, «Горний» Миллий минерал –ҳом ашё университети ва бошқалар. Лекин ҳомаки мисни ишлаб чиқаришнинг энергетик сифimini аниқлаш масалаларида ҳомаки мисни ишлаб чиқаришда энергетик сифимнинг ягона кўрсаткичи йуқ. Мавжуд ҳомаки мисни ишлаб чиқаришда энергетик сифимнинг кўрсаткичлари бир-бирдан анчагина фарқ қилади. Бунинг сабаби: мис ишлаб чиқариш технологиясидаги, мис ишлаб чиқаришда энергетик сифимни аниқлаш методологиясидаги фарқ, шунингдек энергия истеъмоли объекти ва рудадаги миснинг таркиби ҳақидаги маълумотларнинг ёпиқлигидир.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг бўлимларида ўтказилган бизнинг тадқиқот ва амалий ишларимиз, олиб борилган илмий ва амалий ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Олмалиқ КМК бўйича ҳомаки мисни ишлаб чиқариш тизимида энергетик ҳаражатлар”** деб номланган иккинчи боби ҳомаки мисни ишлаб чиқаришда энергетик ҳаражатлар таркибини аниқлашга бағишланган.


Мисни асосий ишлаб чиқарувчи Олмалиқ КМК Мисни эритиш заводининг Metallургия цехидир, у ерда ҳомаки, анодли ва гранула қилинган мис ишлаб чиқарилади. Metallургия цехи эритиш ва конвертер-анодли қисмларидан

иборат. Эритиш қисмига акс эттирувчи печь (АЭП), кислород алангали эритиш печи (КАЭП) ва суюқ ваннадаги печь (СВП) киради. Конвертер-анодли қисми конвертер, анодли печь и мисни грануляциялаш печидан таркиб топган. Ҳар бир қисмда ишлаб чиқаришнинг энергетик ҳаражатларини аниқлаш учун биз томондан назарий ва амалий натижалар асосида, технологик жараённинг тўлиқ цикли учун зарур бўлган энергия элтувчиларнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобга олинди.

Конвертерли қисми (КК) тўртта горизонтал конвертерлар билан жиҳозланган. Конвертерларнинг асосий вазифалари хомаки мисни олиш мақсадида мисли штейнни ва сульфат кислотасини ишлаб чиқариш учун технологик газларни қайта ишлашдан иборат.

Конвертерлар мисли штейнни 3 та эритиш агрегатларидан, яъни АЭП, КАЭП ва СВП дан олишади.

2-расмда хомаки мисни ишлаб чиқариш агрегатларининг таркиби келтирилган.



2-расм. Хомаки мисни ишлаб чиқариш агрегатларининг таркиби

Хомаки мисни ишлаб чиқаришда агрегатлар бўйича энергетик ҳаражатлар структураси 3-6 расмларда келтирилган.

Умумий ҳолатда ҳар бир агрегатнинг технологик жараёни ишлаши учун энергия элтувчилар асосий ташкил этувчилари регламентга мос равишда функция билан аниқланади

$$G = \varphi(W, O_2, V, Z) \quad (1)$$

бу ерда қабул қилинган белгилар: W – электр энергияси сарф и, кВт·соат; O_2 – техник кислород сарфи, m^3 ; V – табиий газ сарфи, m^3 ; Z – сиқилган ҳаво сарфи, m^3 .



3-расм. Акс эттирувчи печь бўйича энергетик ҳаражатлар таркиби

Акс эттирувчи печнинг технологик жараёни яхши ишлаши учун асосий энергия элтувчилар бўлиб табиий газ, кислород ва электр энергияси ҳисобланади, яъни

$$G_{АЭП} = \varphi(W, O_2, V), \quad (2)$$

бу ерда $G_{АЭП}$ – АЭП учун энергия элтувчиларнинг йиғма қиймати.

Акс эттирувчи печь бўйича 1 тонна шихтани қайта ишлашга энергия сиғими қуйидагидардан ташкил топган

$$G_{АЭП} = \frac{\sum (V + O_2 + W)}{Q}, \quad (3)$$

бу ерда Q – шихтанинг ҳажми, тн.



4-расм. Кислород алангали эритиш бўйича энергетик ҳаражатлар таркиби

КАЭП бўйича 1 тонна шихтани қайта ишлашга энергия сиғими қуйидагича бўлади

$$G_{КАЭП} = \frac{\sum (V + O_2 + W)}{Q}, \quad (4)$$

бу ерда $G_{КАЭП}$ – КАЭП учун энергия элтувчиларнинг йиғма қиймати.



5-расм. Суюқ ванна пещ бўйича энергетик ҳаражатлар таркиби

СВП бўйича 1 тонна шихтани қайта ишлашга энергия сиғими қуйидагича бўлади

$$G_{СВП} = \frac{\sum (V + O_2 + W)}{Q}, \quad (5)$$

бу ерда $G_{СВП}$ – СВП учун энергия элтувчиларнинг йиғма қиймати.



6-расм. Конвертерли қисм бўйича энергетик ҳаражатлар таркиби

КҚ бўйича 1 тонна шихтани қайта ишлашга энергия сиғими қуйидагича аниқланади

$$G_{КК} = \frac{\sum (Z + V + W)}{Q}, \quad (6)$$

бу ерда $G_{КК}$ – КҚ учун энергия элтувчиларнинг йиғма қиймати.

Бунда барча печлар ва конвертерли қисм учун энергия элтувчилар бўлиб газ, техник кислород, сиқилган ҳаво ва электр энергияси хизмат қилади, лекин уларни ҳар бирини истеъмол қилиш фоиз ҳисобида турличадир.

1-4 жадвалларда ҳар бир печь ва конвертерли қисм учун энергия элтувчиларнинг: электр энергияси, табиий газ, техник кислород ва сиқилган ҳаво сарфининг ўртача маълумотлари келтирилган.

1-жадвал

Ҳар бир агрегат бўйича электр энергиясининг ҳақиқий ўртача ойлик сарфи

Асосий агрегатлар	W, минг кВт·соат	Ҳоиз ҳисобида, %
АЭП	136,25	4,91
КАЭП	1086,5	39,22
СВП	1269,97	45,84
КҚ	277,5	10,01
Ҳами	2770,22	100 %

2-жадвал

Ҳар бир агрегат бўйича табиий газнинг ҳақиқий ўртача ойлик сарфи

Асосий агрегатлар	V, минг м ³	Ҳоиз ҳисобида, %
АЭП	2314	50,88
КАЭП	830	18,25
СВП	1305,5	28,71
КҚ	98,5	2,17
Ҳами	4548,0	100

3-жадвал

Ҳар бир агрегат бўйича техник кислороднинг ҳақиқий ўртача ойлик сарфи

Асосий агрегатлар	O ₂ , минг.м ³	Ҳоиз ҳисобида, %
АЭП	3264,05	14,7
КАЭП	6321,75	28,5
СВП	12588,1	56,77
Ҳами	22173,8	100

4-жадвал

КП бўйича сиқилган ҳавонинг ҳақиқий ўртача ойлик сарфи

Асосий агрегатлар	Z, минг м ³	Ҳоиз ҳисобида, %
КҚ	4024	100

Ҳомаки мис ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимиға энергия элтувчиларнинг истеъмол ҳажми таъсирини аниқлаш мақсадида биз бир қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказдик. 7, 8 - расмларда электр энергияси ва газнинг (солиштира меъёр орқали) сарфи маълумотлари келатган хом ашё ҳажми функциясида, 30 дан 100 % гача чегарада келтирилган: 1- АЭП, КАЭП, КҚ биргаликда ишлаганда, 2- КҚ ишлаганда, 3- КАЭП ишлаганда. Кўриниб турибдики, электр энергияси ва газнинг сарфи келатган хом ашё ҳажмидан ўзгариши нозифий характерга эга. Электр энергияси ва газнинг сарфи келатган хом ашё ҳажми функциясига боғлиқлигини линиаризациялаш мақсадида биз олинган экспериментал эгри чизикларни учта ишчи участкага

ажратдик. 1-участка номинал режимда агрегат ишлаши учун кўзда тутилган хом ашёнинг умумий хажмидан 80 % дан 100% гача чегарада беришга мос келади, 2-участка – 50 % дан 80% гача чегарада ва 3-участка 30% дан 50% гача чегарада. Юкланганлик коэффициенти хисобга олган холда, ҳар бир агрегат учун энергия сифими кўрсаткичлари мос равишда қуйидагича бўлади: АЭП, КАЭП, СВП ва КҚ энергия сифими

$$G'_{АЭП} = \frac{\sum(V + O_2 + W)}{\alpha_1 Q_1}, \quad (7)$$

бу ерда α_1 – АЭП учун хом ашё билан юкланганлик коэффициенти. Q_1 - АЭП учун технологик регламентда кўзда тутилган шихта (хом ашё) хажми.

$$G'_{КАЭП} = \frac{\sum(V + O_2 + W)}{\alpha_2 Q_2}, \quad (8)$$


бу ерда α_2 – КАЭП учун хом ашё билан юкланганлик коэффициенти.
 Q_2 – КАЭП учун шихта хажми.

$$G'_{СВП} = \frac{\sum(V + O_2 + W)}{\alpha_3 Q_3}, \quad (9)$$

бу ерда α_3 – СВП учун хом ашё билан юкланганлик коэффициенти.
 Q_3 – СВП учун шихта хажми.

$$G'_{КК} = \frac{\sum(V + Z + W)}{\alpha_4 Q_4}, \quad (10)$$

бу ерда α_4 – КҚ учун хом ашё билан юкланганлик коэффициенти.
 Q_4 – КҚ учун шихта хажми.




7-расм. Электр энергияси солиштирма сарф меъёрларининг хом ашё билан юкланганликдан боғлиқлиги

Худди шундай электр ўлчашларга ўхшаш табиий газнинг экспериментал ўлчашлари агрегатларни хом ашё билан юкланганлик хажмига боғлиқ равишда ўтказилди.

8 - расмда газ сарфининг унумдорлик функцияси бўйича экспериментал маълумотларнинг натижаларига кўра, йилига хомаки мисни ишлаб чиқариш учун газнинг солиштирма сарф меъёрларнинг қийматлари юкланганлик ҳажми бўйича 80-100%, 50-80% ва 50% гача чегарада келтирилган.

АЭП, КАЭП, СВП ва КҚ агрегатларига ва мос равишда электр энергиянинг солиштирма сарф меъёрлари кўрсаткичларига хом ашёни беришнинг таъсир қилиши экспериментал равишда исботлаб берилди. Бунда энергия элтувчиларнинг сарф меъёрларининг ўзгариши ночизигий характерга эга.



8-расм. Табиий газ солиштирма сарфининг хом ашё билан юкланганлигидан боғлиқлиги

5-жадвалда назарий ва экспериментал маълумотлар асосида ишлаб чиқилган хомаки миснинг энергия сиғимини аниқлаш методикаси келтирилган.

Бу ерда $G - 1$; $G - 2$; $G - 3$; $G - 4$ - АЭП, КАЭП, СВП ва КҚ бўйича мос равишда энергия элтувчиларнинг умумий ҳажми; Q_1 , Q_2 , Q_3 – АЭП, КАЭП, СВП бўйича мос равишда штейнни ишлаб чиқариш ҳажми; Q_4 – КҚ бўйича хомаки мисни ишлаб чиқариш ҳажми, тн; α_1 , α_2 , α_3 , α_4 , - АЭП, КАЭП, СВП ва КҚ бўйича мос равишда хом ашё билан юкланганлик коэффицент; N_1 , N_2 , N_3 ва N_4 – бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга энергия элтувчиларнинг сарфи (меъёри) энергия сиғими.

Ҳар бир (меъёр) ишлаб чиқариш (шихтани эритишга тайёрлашни ҳисобламасдан) нинг энергия сиғими мос равишда қуйидагича аниқланади:

Акс эттирувчи печь учун:

$$N_1 = \frac{\sum G_1 (G_{1-1} + G_{1-2} + G_{1-3})}{\alpha_1 Q_1} \quad (11)$$

Кислород алангали эритиш учун:

$$N_2 = \frac{\sum G_2 (G_{2-1} + G_{2-2} + G_{2-3})}{\alpha_2 Q_2} \quad (12)$$

Суюқ ваннали печь учун:

$$N_3 = \frac{\sum G_3 (G_{3-1} + G_{3-2} + G_{3-3})}{\alpha_3 Q_3} \quad (13)$$

Конвертерли қисм учун:

$$N_4 = \frac{\sum G_4 (G_{4-1} + G_{4-2} + G_{4-3})}{\alpha_4 Q_4} \quad (14)$$

Хомаки мисни ишлаб чиқариш учун умумий энергия сиғими қуйидагича бўлади

$$N_{\text{м}} = \sum (N_1 + N_2 + N_3 + N_4) \quad (15)$$

5-жадвал

Хомаки мисни ишлаб чиқаришда энергия элтувчиларни аниқлаш методикаси тузилиши

Энергия элтувчиларнинг сарфи номланиши	Энергия элтувчиларнинг сарфи, т.ш.ё.	Ишлаб чиқариш хажми., тн	Энергия элтувчиларнинг сарф меъёри, т.ш.ё./тн
1. Шихтани эритиш - АЭП: Табиий газ Кислород Электр энергияси, жумладан: Вентиляторлар- 2 та	G _{оп} : G - 1 G - 1,1 G - 1,2 G - 1,3	Q ₁	$N_1 = \frac{\sum G_1}{\alpha_1 Q_1}$
2. Шихтани эритиш - КАЭП: Газ Кислород, Электр энергияси, жумладан: Вентиляторлар - 4 та. Тутун сўргичлар - 2 та, хим.сув билан таъминлаш насослари	G _{КАЭП} G - 2 G - 2,1 G - 2,2 G - 2,3	Q ₂	$N_2 = \frac{\sum G_2}{\alpha_2 Q_2}$
3. Шихтани эритиш - СВП: Кислород, Газ, Электр энергияси, жумладан: Ҳаво пуркаш хўжалиги, Тутунсўргичлар, Чангютувчи фильтрлар	G _{свп} G - 3 G - 3,1 G - 3,2 G - 3,3	Q ₃	$N_3 = \frac{\sum G_3}{\alpha_3 Q_3}$
4. Штейнни конвертирлаш - КК: Ҳаво, Газ, Электр энергияси, жумладан: Тутунсўргичлар, Электр фильтрлар	G _{кк} G - 4 G - 4,1 G - 4,2 G - 4,3	Q ₄	$N_4 = \frac{\sum G_4}{\alpha_4 Q_4}$

Диссертациянинг “**Техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими**” деб номланган учинчи боби хомаки мисни ишлаб чиқариш учун техник кислород ва сиқилган ҳаво сарфини аниқлашга бағишланган.

Компрессор агрегатлари бўйича техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқариш учун электр ускуналар таркибига қуввати 800 дан 12500 кВт

гача бўлган асинхрон ва синхрон электр двигателлар киради, уларнинг умумий ўрнатилган қуввати 50 МВтдан ортиқ.

Барча ишлаб чиқарилган кислороднинг ҳажми АЭП, КАЭП ва СВП агрегатлари бўйича тарқатилади:

$$\sum Q_{\text{кис}} = Q_{\text{АЭП}} + Q_{\text{КАЭП}} + Q_{\text{СВП}}, \quad (16)$$

бу ерда $\sum Q_{\text{кис}}$ - ишлаб чиқарилган кислороднинг умумий ҳажми.

$Q_{\text{АЭП}}$ – АЭП агрегати бўйича кислород истеъмоли.

$Q_{\text{КАЭП}}$ – КАЭП агрегати бўйича кислород истеъмоли.

$Q_{\text{СВП}}$ – СВП агрегати бўйича кислород истеъмоли.

Компрессорлар томонидан ишлаб чиқарилган сиқилган ҳавонинг катта қисми 85% атрофида кислород ишлаб чиқаришга ишлатилади, қолган қисми – 15 % завод тармоғи орқали механика цехида (МЦ) ва заводнинг бошқа объектларида сарфланади. Бунинг натижасида АЭП, КАЭП ва СВП учун кислородни ишлаб чиқиш учун сиқилган ҳаво ҳажми қуйидагича бўлади:

$$\sum Q_{\text{хаво.кис}} = \sum (Q_{\text{хаво1,2,3}} + Q_{\text{хаво4,5}}) - Q_{\text{хаво.тар}}, \quad (17)$$

бу ерда $Q_{\text{хаво.кис}}$ – кислородни ишлаб чиқиш учун сиқилган ҳаво ҳажми;

$Q_{\text{хаво1,2,3}}$ - 1,2 ва 3 компрессорлар ишлаб чиқараётган сиқилган ҳаво ҳажми;

$Q_{\text{хаво4,5}}$ – 4 ва 5 компрессорлар ишлаб чиқараётган сиқилган ҳаво ҳажми;

$Q_{\text{хаво.тар}}$ – умумий тармоққа узатилаётган сиқилган ҳаво ҳажми.

Ишлаб чиқараётган кислород ҳажми қуйидагича бўлади

$$\sum Q_{\text{кис}} = Q_{\text{АЭП}} + Q_{\text{КАЭП}} + Q_{\text{СВП}} \quad (18)$$

$\sum Q_{\text{кис}}$ ни ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи қуйидагича бўлади

$$W_{\text{кис}} = (W_{\text{ком1,2,3}} + W_{\text{ком4,5}} - W_{\text{тар}}) + W_{\text{КИЧЦ}}, \quad (19)$$

бу ерда $W_{\text{кис}}$ – АЭП, КАЭП ва СВП учун кислород ишлаб чиқиш учун электр энергияси ҳажми;

$W_{1,2,3}, W_{4,5}$ – 1,2,3 ва 4,5 компрессорлар мос равишда истеъмол қилаётган электр энергияси ҳажми;

$W_{\text{тар}}$ - $Q_{\text{тар}}$ ҳажмига пропорционал равишда сарфланаётган электр энергияси ҳажми;

$W_{\text{КИЧЦ}}$ – кислород ишлаб чиқариш учун КИЧЦ томонидан сарфланаётган электр энергияси ҳажми;


Техник кислород ишлаб чиқаришнинг энергия сифими қуйидагича бўлади

$$N_{\text{кис}} = \frac{W_{\text{кис}}}{\sum Q_{\text{кис}}} = \frac{\sum (W_{1,2,3} + W_{4,5} - W_{\text{сеть}}) + W_{\text{КИЧЦ}}}{Q_{\text{АЭП}} + Q_{\text{КАЭП}} + Q_{\text{СВП}}}; \quad \left[\frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{минг м}^3} \right] \quad (20)$$

Механика цехига умумий завод тармоғидан сиқилган ҳавонинг сарфини ҳисобга олган ҳолда техник кислород ишлаб чиқаришнинг энергия сифими қуйидагича бўлади

$$N_{\text{кис}} = \frac{W_{\text{кис}}}{\sum Q} = \frac{W_{\text{АЭП}} + W_{\text{КАЭП}} + W_{\text{СВП}}}{\sum (Q_{\text{сикхаво}} - Q_{\text{зав.тар}}) + Q_{\text{КИЧЦ}}}; \quad (21)$$

Техник кислородни ишлаб чиқаришда энергия сифимининг ўзгариш характери 9-расмда келтирилган.



9-расм. Кислороднинг суткалик сарф графиги

Графикдан кўриниб турибдики, агрегатлар томонидан техник кислород истеъмол қилинганда энергия сифимининг ўзгариш динамикасида ўртача қийматдан 6 дан 10 % гача чегарада энергия сифимининг тарқоқлиги мавжуддир.

Мавжуд ва замонавий технологик энергия тежовчи ускуналарни модернизация қилишда энергия тежаш потенциалини жорий қилиш учун мавжуд компрессорлар замонавий компрессорларга алмаштирилди: “Олмалиқ КМК” АЖ Мисни эритиш заводининг компрессор станциясида жорий қилинди, замонавий тежамкор компрессор SM 6000 «Samsung» қурилмаси ўрнатилди. Техник кислороднинг сарфи графигини текислаш учун Atlas-Copco компрессори унумдорлигини бошқариш вариантларидан фойдаланилади. Сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришнинг энергия сифими аниқланди.

Сиқилган ҳаво конвертерли қисмда фойдаланилади ва учта қуввати 3500 кВт бўлган синхрон электр юритмали Н-900 турбоҳавопуфлагичлар томонидан ишлаб чиқарилади, уларнинг ўрнатилган қуввати 10500 кВт. Сиқилган ҳаво фақат конвертерли қисмда технологик режимда ишлатилади.

Ишлаб чиқарилган сиқилган ҳавонинг хажми қуйидагича аниқланади

$$\sum Q_{\text{хаво}} = Q_{\text{хавоКК}} + Q_{\text{хаво.бошқа}}, \quad (22)$$

бу ерда $\sum Q_{\text{хаво}}$ – ишлаб чиқарилган сиқилган ҳавонинг умумий хажми;

$Q_{\text{хавоКК}}$ – конверторга сарфланадиган сиқилган ҳавонинг хажми;

$Q_{\text{хаво.бошқа}}$ – бошқа эҳтиёжларга сарфланадиган сиқилган ҳавонинг хажми.

Сиқилган ҳаво ишлаб чиқаришнинг энергия сифими қуйидагича бўлади

$$N_{\text{сик.хаво}} = \frac{W_{\text{сик.хаво}}}{Q} \quad (23)$$

Электр энергиясини тежаш потенциалини аниқлаш мақсадида ҳавони ажратиш цехининг (ХАЦ) энергия сиғими катта бўлган ускуналарида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди, у ерда Н 900 турдаги нагнетателлар қуввати $P=3000\text{кВт}$ бўлган 3 та синхрон двигателлар билан биргаликда ўрнатилган. Ҳар бир нагнетатель конструктив равишда ўз конверторига ишлайди. Бундан ташқари, ҳар бир нагнетателнинг узатувчи қувири дросселли тўсиқлар орқали умумий коллекторга бириктирилган. Дросселли тўсиқлар тизими ҳар бир нагнетателни конструктив равишда учта режимда ишлашга имкон беради: 1. Нагнетатель алоҳида конверторга ишлайди. 2. Нагнетатель умумий коллекторга ишлайди. 3. Нагнетатель атмосферага ишлайди.

Нагнетатель атмосферага ишлаганда, нагнетателнинг электр юритмаси ишчи режимда қолади, яъни қуввати $3,0\text{ МВт}$ бўлган синхрон электр юритма алоҳида конверторга ёки умумий коллекторга сингари режимда ишлайди.

6-жадвалда частотавий бошқариладиган синхрон двигателли «ЧЎ-СД-нагнетатель» тизими ҳавони конверторга ва атмосферага узатиш режимларида олинган экспериментал маълумотлари келтирилган.

6-жадвал

«ЧЎ-СД-нагнетатель» тизимининг иккита режимда олинган экспериментал маълумотлари: №2 нагнетателнинг конверторга ва атмосферага ишлаши


Конверторга ҳавони узатиш режими						
	Ист	Ирот	f	U	P	айланиш
	264А	130 А	50 Гц	6000 В	2359 кВт	3000 об\мин
Атмосферага ҳавони узатиш режими, тўсиқ бутунлай очик						
	Ист	Ирот	f	U	P	айланиш
	196А	130 А	43 Гц	5270 В	1751 кВт	2580 об\мин

Тежалган электр энергиясини тўлиқ баҳолаш учун ҳар бир нагнетатель, захирадагидан ташқари, атмосферага ҳайдаш режимида ишлаганда вақтнинг ўртача суткалик қийматини билиш зарур.

Бунинг учун биз томондан нагнетателнинг конверторга ва атмосферага ишлаш режимлари ўрганилди.

Диссертациянинг “**Хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфини меъёрлаш**” деб номланган тўртинчи боби хомаки мисни ишлаб чиқаришда умумий энергия сиғимини аниқлаш мақсадида техник кислород ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришга электр энергияси сарфини, газ сарфини меъёрлашга бағишланган

Хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфини инструментал ўлчашлар асосида олинган экспериментал маълумотлар (10-расм).



10-расм. Электр энергияси сарфининг инструментал ўлчашлари

Инструментал ўлчаш натижаларини статистик қайта ишлаш асосида тасвирий статистика ҳисоблаш натижалари олинди (7-жадвал).

7-жадвал

Тасвирий статистика ҳисоблаш натижалари

Ўзгарувчи	Тасвирий статистика						
	Ўлчашлар сони	Ўрта ариф.	Мин. қиймат	Макс. қиймат	Дисперсия	Станд. Оғиш	Станд. Хатолик
ЭЭ сарфи, кВт*соат	93	144,3275	80,0000	195,000	1108,33	33,2915	3,45217
Унумдорлик, тн.	93	207,3118	68,0000	319,000	5816,3	76,2647	7,90828
Меёёр, кВт·с/тн	93	747,7985	598,1735	1188,406	26189,77	161,833	16,7813

Хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфи меёрини ҳисоблашда хом ашё юкланганликдан электр энергиянинг солиштирма сарф меёрининг ночизиғий боғлиқлиги келтириб чиқарган катта стандарт хатолик (16,78) туфайли, биз умумий эгри чизиқни учта участкага бўлишни қарор қилдик, улар учун электр энергиянинг сарф меёрини қуйидаги ҳолатлар учун боғлиқлик аниқланди: Номинал унумдорликдан 80% дан 100% гача хом ашё билан юкланганликда; Номинал унумдорликдан 50% дан 80% гача хом ашё билан юкланганликда; Номинал унумдорликдан 30% дан 50% гача хом ашё билан юкланганликда.

Хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфи меёрининг математик моделлари учта ҳолат учун ишлаб чиқилган.

Олиб борилган регрессион таҳлил натижасида электр энергияси сарфи меёрининг ҳақиқий математик модели истёмол қилинаётган электр энергияси ва **80% дан 100% гача** хом ашё билан юкланганликда функциясида олинди.

$$N_{X.M.100} = 615,2352 + 3,4208 \cdot W_{X.M.100} - 2,1059 \cdot Q_{X.M.100} \quad (24)$$

$$N_{X.M.100} = 615,0 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{тн}$$

50% дан 80% гача

$$N_{X.M.80} = 675,7441 + 4,5334 \cdot W_{X.M.80} - 3,0636 \cdot Q_{X.M.80} \quad (25)$$


$$N_{X.M.80} = 675,0 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{тн}$$

30% дан 50%гача

$$N_{X.M.50} = 1097,357 + 7,714 \cdot W_{X.M.50} - 8,505 \cdot Q_{X.M.50} \quad (26)$$

$$N_{X.M.50} = 952,8 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{тн}$$

Табиий газ сарфи меъёрини аниқлаш учун биз беш йилда (2007 - 2012 й.) газдан фойдалануни ускуналар томонидан газ сарфини таҳлил қилдик. 11-расмда ҳар бир йил учун солиштирма меъёрларнинг йиллик натижалари келтирилган. Ўтган йиллар ичидаги ҳисоботни математик ишлаш ва инструментал ўлчаешлар шуни кўрсатдики, хомаки мисни ишлаб чиқаришда табиий газнинг сарфи меъёрига хом ашё билан юкланганлик даражаси анчагина таъсир кўрсатади ва табиий газнинг сарфи меъёрини ишлаб чиқишда номинал ишлаб чиқаришдан 30% дан 100% гача хом ашё билан юкланганлик даражасига боғлиқ равишда дифференциал ёндашиш керак.



11-расм. Хомаки мисни ишлаб чиқаришда табиий газнинг сарфи меъёри кўрсаткичлари, (80-100)%, (50-80)% ва 50%гача хом ашё билан юкланганликни ҳисобга олганда

Унумдорлик 80% дан 100% гача бўлганда хомаки мисни ишлаб чиқаришда табиий газнинг сарфи меъёри қуйидагига тенг:

$$N = 0,433 \text{ минг} \cdot \text{м}^3 / \text{тн} \text{ ёки } N = 506,08 \text{ кг} \cdot \text{ш} \cdot \text{ё} / \text{тн}$$

$$50\% \text{ дан } 80\% \text{ гача: } N = 0,519 \text{ минг} \cdot \text{м}^3 / \text{тн} \text{ ёки } N = 607,67 \text{ кг} \cdot \text{ш} \cdot \text{ё} / \text{тн}$$

$$50\% \text{ гача: } N = 0,603 \text{ минг} \cdot \text{м}^3 / \text{тн} \text{ ёки } N = 704,99 \text{ кг} \cdot \text{ш} \cdot \text{ё} / \text{тн}$$

Бирлик кислородни ва сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришга электр энергиясининг солиштирма сарфи меъёрининг ўртача йиллик қийматини олиш учун 2016-2017 йиллардаги берилган маълумотлардан фойдаланилди.

Бирлик кислородни ишлаб чиқаришга электр энергиясининг солиштирма сарфи меъёрининг ўртача йиллик қиймати қуйидагича бўлади

$$N = 592,46 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{минг} \cdot \text{м}^3$$

Бирлик сиқилган ҳавони ишлаб чиқаришга электр энергиясининг солиштирма сарфи меъёрининг ўртача йиллик қиймати қуйидагича бўлади

$$N = 60,79 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{минг} \cdot \text{м}^3$$

Ўтиш коэффициентини 2,4 га тенг деб ҳисобга олган ҳолда

$$N_{\text{сик.хаво}} = 145,89 \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{минг} \cdot \text{м}^3$$

Ишлаб чиқилган хомаки мисни ишлаб чиқаришда энергия сиғимини аниқлаш методикаси асосида Олмалик КМК бўйича хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг умумий энергия сиғими топилган ва 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг умумий энергия сиғими

Асосий агрегатлар	Электр энергия сарфи, Солиштирма меъёр		Газ сарфи, Солиштирма меъёр		Ҳаво сарфи (ҳавони ишлаб чиқишга ЭЭ сарфи), солиштирма меъёр		Кислород сарфи (кислородни ишлаб чиқишга ЭЭ сарфи) солиштирма меъёр		Агрегат ишлаши учун йиғма энергия сарфлари, т.ш.ё.
	минг кВт*соат /т	т.ш.ё.	Минг м³/т	т.ш.ё.	минг кВт*соат/т	т.ш.ё.	минг кВт*соат/т	т.ш.ё.	
ОП	0,0246	0,0084	0,22	0,34	-		0,0870	0,0299	0,3783
КФП	0,129	0,0444	0,079	0,12	-		0,1688	0,0578	0,2214
ПЖВ	0,233	0,0802	0,12	0,18	-		0,3363	0,1158	0,3760
КП	0,615	0,2118	0,009	0,014	0,145	0,0502			0,276
Жами	1,0019		0,43		0,145		0,5922	0,1735	1,2517

Олмалик КМК бўйича хомаки мисни ишлаб чиқаришда умумий энергия сиғими 80-100% хом ашё билан юкланганлик учун бир тонна хомаки мисга - 1,2517 т.ш.ё. ёки 1251,7 кг.ш.ё. ни ташкил этади; худди шундай 50-80% юкланганлик учун бир тонна хомаки мисга - 1,387 т.ш.ё. ёки 1387,0 кг.ш.ё.ни ташкил этади; 30-50% юкланганлик учун бир тонна хомаки мисга - 1,633 т.ш.ё. ёки 1633,0 кг.ш.ё. ни ташкил этади. Мис ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими ўртача жаҳондаги даражаси 835–5000 кг.ш.ё./тн га тенг. Олмалик КМК бўйича олинган маълумотлар ўртача жаҳондаги маълумотлар чегарасида жойлашган.

Диссертация **иловаларида** Олмалик КМК Мисни эритиш заводининг компрессор станциясида замонавий тежамкор компрессорлар ўрнатиш билан, кислород станциясида ҳавони ажратиш блоки ва компрессор ўрнатиш билан, Мисни эритиш заводининг Ҳавони ажратиш цехида турбонагнетателга частота ўзгартиргичини ўрнатиш билан жорий қилиш далолатномалари ва маълумотнома, шунингдек хомаки мисни ишлаб чиқаришда электр энергияси, табиий газ, техник кислород ва сиқилган ҳаво сарфларининг экспериментал маълумотлари келтирилган.

ХУЛОСА

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда хомаки мис ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш» мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Хомаки мисни ишлаб чиқаришда технологик линиянинг ҳар бир агрегати томонидан энергия элтувчиларни истеъмол қилиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Натижада энергия элтувчиларнинг солиштирма сарф меъёри кўрсаткичларига ва умуман хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимига келаётган хом ашёнинг хажми таъсир этиши аниқланди.

2. Аналитик ҳисоблаш ва экспериментал ҳисоблаш методлари билан хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди. Натижада агрегатлар бўйича энергия элтувчиларнинг сарф меъёрлари аниқланди.

3. Энергия элтувчилар солиштирма сарф меъёрининг математик модели ишлаб чиқариш кетма-кетлигида барча звено агрегатларининг хом ашё билан юкланганлиги функциясида ишлаб чиқилди. Натижада мазкур модель энергия элтувчиларнинг солиштирма сарф меъёрининг хом ашё билан юкланганлиги функциясида ночизиғий боғлиқлиги сабабли, линеризация мақсадида махсус кўрсаткичлар учта ишчи бўлимга бўлинади, улар учун солиштирма меъёрлар келаётган хом ашё 80 дан 100% гача, 50 дан 80% гача ва 50% дан кам чегарасида аниқланди.

4. Олмалиқ кон-металлургия комбинати бўйича хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг умумлашган энергия сиғими аниқланди. Натижада хомаки мисни ишлаб чиқариш даражаси ва энергия самарадорлигини баҳолаш имкони яратилди.

5. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида мавжуд компрессорлар замонавий GT-0,78 «Атлас Копко» компрессорларини ўрнатиш билан модернизация қилинди, шунингдек частота ўзгартиргич асосида қуввати 3,0 МВт бўлган сиқилган ҳавони ишлаб чиқариш учун воздуходувканинг частотавий бошқариладиган синхрон электр юритмаси жорий қилинди. Натижада 3 811 938,0 минг сўмни тежаш имкони яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Т.03.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
ОБЩЕСТВЕ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

КИМ ДОНЧЕР

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА
ЧЕРНОВОЙ МЕДИ НА АО «АЛМАЛЫКСКИЙ ГОРНО-
МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИЙ КОМБИНАТ»**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4.PhD/T921.

Диссертация выполнена в Обществе с ограниченной ответственностью «Научно-технический центр»

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Камалов Толяган Сиражиддинович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хошимов Фозилджан Абидович**
доктор технических наук, профессор
Арипов Назиржон Мукарамович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и обществе с ограниченной ответственностью «Научно-технический центр». Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - ____). (Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(протокол рассылки № «___» от «___» _____ 2019 г.).

К.Р. Аллаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

О.Х. Ишназаров
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

М.И. Ибадуллаев
председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одними из энергоёмких отраслей в экономике является горнодобывающая и металлургическая промышленности. С повышением энергоэффективности современного горного производства особое внимание уделяется вопросам улучшения основных показателей затрат энергоресурсов. В настоящее время «отсутствует единый показатель энергоемкости производства черновой меди. Среднемировой уровень энергоемкости производства меди лежит в пределах 835-5000 кг у.т./тн»¹. Отличие энергоёмкости производства черновой меди от других производств объясняется особенностями в технологии получения меди, методами определения энергоёмкости производства, а также потреблением энергоресурсов. В этой связи большое внимание уделяется производству черновой меди, связанному с технологическим управлением оборудования с помощью частотных преобразователей, оптимизации рабочих режимов и определения энергоёмкости.

В мире ведутся исследования, направленные на повышение энергоэффективности производства меди путем создания новых и модернизацией существующих технологий и энергосилового оборудования, а также разработке математических моделей удельных норм расхода энергоносителей и обобщенной энергоемкости производства. Особое внимание уделяется проблемам реализации потенциала энергосбережения путём внедрения нового энергосилового оборудования на базе частотных преобразователей. В этом направлении важные результаты определяются разработкой оптимальных режимов работы энергосилового оборудования, участвующих в выработке технического кислорода и сжатого воздуха как наиболее энергоёмких энергоносителей, участвующих в технологическом процессе получения меди. Исходя из существующих научных направлений актуальными задачами являются определение обобщенной энергоемкости производства черновой меди и разработка математической модели удельных норм расхода энергоносителей на базе экспериментальных исследований.

В нашей республике одной из важнейших отраслей экономики республики является производство меди и в целях обеспечения высоких технико-экономических показателей осуществляются мероприятия по повышению энергоэффективности, снижению энергопотребления и внедрению энергосберегающего оборудования и технологий, модернизации существующего оборудования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» определены задачи «...сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, реализуемых по целевым параметрам снижения энергоемкости в отраслях экономики»². Реализация этих задач, в частности, определение энергоемкости производства

